

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



Ватан ягонадир,
Ватан биттадир

2023 йил—Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

Ассалому алайкум, азиз муштарий!

ЎСТИҚВОЛ ҲОҲИ

Қўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@umail.uz

2023 йил 23 январ № 3 (8445)

Муҳим ахборотлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "2023-2026 йилларда фтизиатрия ва пульмонология хизматини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида" қарор қабул қилди.

Юртбошимиз "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка қарши курашиш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга имзо чекди.

Давлатимиз раҳбари "Савдо-саноат палатаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорни имзолади.

Президент Шавкат Мирзиёев энергия таъминотини яхшилаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди ҳамда гидроэнергетика тармоғидаги режалар тақдими билан танишди.

2010 йилгача берилган ҳайдовчилик гувоҳномалари жорий йил 31 мартдан ҳақиқийлигини йўқотади. Ҳукуматнинг 2022 йил 12 апрелдаги тегишли қарорига асосан, эски намунадаги барча ҳайдовчилик гувоҳномалари ва автотранспортни рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларни мажбурий алмаштириш муддати қуйидагича белгиланган:
— 2010 йилгача бўлган даврда берилганлари — 2023 йил 31 мартгача;
— 2010-2012 йилларда берилганлари — 2023 йил 30 июнгача;
— 2013-2015 йилларда берилганлари — 2023 йил 30 сентябргача;
— 2015 йилдан кейин берилганлари — 2023 йил 31 декабргача.
Юқоридаги муддатларгача алмаштирилмаган гувоҳномалар ҳақиқий эмас деб топилади.

МАКТАБЛАРДА ЎҚИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Туманимизнинг барча мактабларида бугун ўқиш бошланди. Мактабини соғинган ўқувчилар яна синф хоналарини тўлдиришди.

Аномал совуқ туфайли юзага келган муаммолар бартараф этилиб, деярли барча билим даргоҳларида ўқувчи ва ўқитувчилар учун мувофиқ ҳароратда ишлаш ва билим олиш шароитлари яратилди.

Суратда: "Хумдон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 3-умумий ўрта таълим мактаби директори Музаффаржон Қодиров (ўртада) бир гуруҳ жамоа аъзолари билан; бошланғич таълим ўқитувчиси Асилахон Иброҳимова 3-синфда дарс ўтаётган пайт.


Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ олган суратлар.



Сабоқ

...ҚИШ-ЎЗИНГ БИЛАСАН

Донишманд халқимиз хўб топиб айтганда. "Қишнинг куни қирқ турли, қирқови ҳам қилиқли", "Ёз ёпинчиғингни қўйма, қиш—ўзинг биласан" сингари пурҳикмат мақоллар билан одамларни қишга тайёргарликка чорлаб турилган. Катта авлод вакиллари айтишларича, бундан эллик-олтмиш йиллар илгари юртимизда мана шундай совуқлар бўлиб, бу йил бизнинг ҳудудларда ёғмаган бўлса-да, бошқа жойлардагидек қалин қорлар ёғаркан. Ҳатто шиферлар усти ҳам қуралиб, хонадонларда томбўйи қор тоғлари ҳосил бўларкан. Бунга одатланган одамлар ҳам, масъул ташкилотлар ҳам қишга қаттиқ тайёргарлик кўришаркан.



Айниқса, охириги йилларда қиш қишлигини қилмай қўйганига анча кўникиб кетгандик. Ахир бирор марта ҳам қор кўрмай баҳорга чиқиб кетилган йилларни кузатдик. Қор ёғса, барака ёғади, дейдилар. Аммо ҳозиргидай совуқда қор туфайли музлаган йўллардаги азобларни йўлларда яёв-у машиналарда юрганлар билади. Совуқ туфайли билим масканларида ўқишлар вақтинча тўхтатиб қўйилганини энди кўрдик ва шундай чора кўрилмаса, бўлмасди ҳам. Йигирма учинчи январдангина ўқитувчи ва ўқувчилар соғинган мак-

таблари бағрига қайтдилар.

Халқимизнинг "Қишнинг гули—олов, меваси—палов" деган нақлининг мазмун-моҳияти бу йил жуда сезилди. Тошкентдан тортиб, шаҳар-қишлоқларда, туманимизда ҳам газ-светдан қийналаётган кўп қаватли хонадонлар аҳли, эҳтиёжманд оилалар учун дошқозонларда ош дамлаб, тарқатилди. Бир сўз билан айтганда, аномал совуқ, бу йилги қиш фуқароларга ҳам, қишга тайёргарлик кўриши зарур бўлган алоқадор ташкилотларга ҳам катта сабоқ бўлди.

Ҳайриятки, туманимизда қишга лозим даражада тайёргарлик кўрилди. Қуйида бу борада амалга оширилган ва оширилаётган ишлар ҳақида туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Аҳрорбек ЮНУСОВ муҳбиримизга қуйидагиларни айтди:

—Туман ҳокими раҳбарлигида тузилган штаб қишга тайёргарлик иш-

ларини доимий назорат қилиб борди. Қиш аввалидаёқ штаб аъзолари таркибидаги мутасадди ташкилотлар вакиллари ўз йўналишлари бўйича, яъни ижтимоий соҳа объектларини табиий ва суюлтирилган газ, электр энергияси ва кўмир билан барқарор таъминлаш, ёнғин хавфсизлиги ва ис газидан заҳарланишнинг олдини

олиш ва бошқа ҳолатлар бўйича назоратни бўшаштирмадилар. Мавжуд 51та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида ёнғин хавфсизлиги ва ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш бўйича фавқулодда вазиятлар ходимлари ҳамда тегишли ташкилотлар томонидан тарғибот ишлари йўлга қўйилди.

(Давоми 2-бетда.)

УШБУ
СОНДА:

2

* Солиқдаги янгиликлардан хабардормисиз?
* ...Қиш—ўзинг биласан

3

* Мўл ҳосил олай десангиз...
* Сўраган эдингиз
* Тендер танловида қатнашинг!

4

Сабоқ бекати

* Аҳли дониш дейдиларки...
* Ақл-ақлдан қувват олар
* Дунёнинг буюк файласуфлари

Муносабат

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган мурожаатномасида 2023 йилда олдимизда турган энг муҳим вазифалар белгилаб берилиб, айтилган турли соҳалар доирасида муҳокамалар олиб борилмоқда, амалга оширилиши керак бўлган ишлар режалаштирилмоқда. Хусусан, Президентимиз кўрсатмалари асосида солиқ маъмуричилигига жорий этилган ўзгаришлар туманимизда изчил равишда тарғиб қилинмоқда.

ривонлигига хизмат қилади. Мол-мулк ва ер солиқларининг бир қисми маҳалланинг ўзида қолиши кутилаётган "Маҳалла бюджети" тизимининг жорий этилиши шу жумладандир. Шунингдек, туманларнинг иқтисодий ривожланишига қараб турли солиқ ставкалари қўлланилиши ҳам эътиборга лойиқ ян-

ижтимоий солиқ ставкалари 1 фоиз миқдорида белгиланмоқда.

Яна бир жиддий ўзгариш сифатида қўшилган қиймат солиғи салбий фарқ суммасини қоплаш юзасидан камерал солиқ текширувини ўтказиш муддати 60 кундан 30 кунгача қисқартирилганини айтишимиз мумкин. Шу билан

беради. Тадбиркорлик субъектларига айланмаларидан келиб чиқиб солиқ тўлашда энгилликлар берилиши эса эзгу мақсадларни ўз ичига олган ўзгаришлардан биридир. Энди тадбиркорлар ихтиёрий асосда жами даромад суммаси 500 миллион сўмдан ошмаганда йилига 20, ошганда – йилига 30 миллион сўм

да бир йил давомида, жами даромади 10 миллиард сўмдан ошганларга икки йил давомида 7,5 фоиз ставкада фойда солиғини тўлаш ҳуқуқи берилмоқда. Бундан ташқари, бизнесга солиқ юкини камайтириш мақсадида 2023 йил 1 январдан бошлаб ҚҚС ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилмоқда.

Президентимиз Мурожаатномасида давлат идоралари тадбиркорларга сервис хизмати кўрсатиши лозимлиги ва янги йилда мазкур жараён бўйича баҳолаш тизими жорий этилиши таъкидлаб ўтилди. Айтилганларда инспекциямиз масъул ходимлари томонидан тадбиркорларга бу борада кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Уларга қатъий белгиланган суммада солиқ тўлашнинг афзаллик ва фойдали жиҳатлари кўрсатилиб, бундай тартибга қандай ўтиш мумкинлиги тўғрисида маълумотлар берилмоқда.

Тизимдаги ўзгаришлар йил номида акс этган инсонга эътибор тамойилининг ёрқин ифодаси бўлишига шубҳа йўқ.

Нарғизахон УМАРОВА,
туман Давлат солиқ инспекцияси тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш шўъбаси бош инспектори.

СОЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАРДАН ХАБАРДОРМИСИЗ



Мамлакат ривож, иқтисодий тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлган солиқ тизимида кўзда тутилаётган ўзгаришлар, шаклиз, халқ фа-

гилик десак, хато бўлмайди. Мисол учун, республикадаги шароити энг оғир бўлган 20 та туман учун айланмадан олинган солиқ, фойда солиғи,

бирга қўшимча қиймат солиғи тўловчининг гувоҳномаси вақтинча тўхтатилганда ҳисобга олинмаган ҚҚС суммаси кейинчалик гувоҳноманинг амал қилиши тикланганда, ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган сумма солиқ тўловчида ва унинг харидорларида гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилган санадан ҳисобга олинади.

Айланмадан олинган солиқнинг амалдаги ставкалари унификация қилиниб, 4 фоиз миқдоридаги ягона ставка белгилангани, бунда айрим солиқ тўловчилар учун Солиқ кодексига белгиланган 3, 2 ва 1 фоизли ставкалар сақланиб қолгани каби янгиликлар ҳам соҳанинг келгу-си такомиллашуvidан дарак

қатъий белгиланган суммани тўлашга ўтишни танлашга ҳақли. Бунда йиллик сумма тенг улушларда ҳар ойда, календар ойдан кейинги ойнинг ўн бешинчи кунидан кечиктирмай тўланади.

Эндиликда янги ташкил этилган солиқ тўловчилар давлат рўйхатидан ўтишда ҳам қатъий белгиланган суммада солиқ тўлашни танлашга ҳақли. Бунда уларнинг дивидендлар тарзида олинган даромадларига солиқ солинмайди ва айланмадан олинган солиқ ҳисоботини тақдим этмайди. Аҳамиятлиси, 2022 йил 1 сентябрдан фойда солиғини тўлашга ўтган жами даромади 10 миллиард сўмгача бўлган солиқ тўловчиларга 2023 йил 7,5 фоиз ставка-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Коммунал соҳа идораларида туну-кун хизмат кўрсатиладиган навбатчиликлар ташкил этилди ва уларга транспорт воситалари, изолятор, сим, кабел, трансформатор мойи, автомат сақлагич, темир-бетон таянчлар, трансформатор захираси ҳозирлаб қўйилди.

Туманимиз ҳудудида жами 44 664 аҳоли субъектлари истеъмолчилари бўлиб, улар доимий равишда электр билан таъминлаб турилган бўлса-да, аномал совуқ бошланган, энергия тақчиллиги кузатилган кунларда ток аниқ белгиланган жадвал асосида, яъни вақтли равишда етказиб турилди. Шунингдек, туманимизда 4008 та табиий газдан фойдаланувчи аҳоли субъекти, шундан 13 таси улгуржи истеъмолчилар, 38 961 нафар суюлтирилган газ истеъмолчилари мавжуд. Январ ойининг ўзида улар 386,2 тонна суюлтирилган газ билан таъминландилар. Совуқ кунларда қўшимча равишда суюлтирилган газ етказиб бериш чоралари кўрилди. Аҳолимизга қиш мавсуми давомида 9 минг 985 тонна кўмир ёқилғиси тарқатилиши режалаштирилган бўлса, ҳозиргача уларнинг 85 фоизга яқини тарқатилди. Аномал совуқ кунларда эҳтиёжманд оилалар имкон қадар кўмир билан таъминлаб турилди.

Совуқ кунларда жамоат транспорти қатнови барқарор йўлга қўйилиши устидан ҳам қатъий назорат ўрнатилди. Туманда 27 та йўналиш бўйича 1 217 та лицензияланган "Дамас" автотранспорт воситалари аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Ёнилғи тақчиллиги мавжуд бўлган шароитда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш мақсадида олиб борилаётган ишлар назоратга олинаиб, барча ҳудудларда қўшимча рейд тадбирлари ташкил этилмоқда.

Қиш мавсумида, айниқса, аномал совуқ пайтида аҳолидан тушаётган мурожаатларга ўз вақтида муносабат билдириш алоҳида эътиборимиздадир. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари томонидан ижтимоий тармоқлардан келиб тушаётган мурожаатларга ўз вақтида жойига чиққан ҳолда ўрганиш ўтказилиб, асосли мурожаатларнинг ижобий ҳал этилишига эришиляпти. Фуқаролар мурожаатларини ўз муддатида қабул қилиш мақсадида туман ички ишлар

бўлимида қиш мавсуми учун махсус штаб ташкил қилинган бўлиб, унинг (73) 425-13-76, (73) 425-16-16 телефон рақамлари мунтазам ишлаб турибди.

Дарҳақиқат, қиш қишлигини қилмоқда. Бу йилги аномал совуқда Илёмбек Новиков раҳбарлигидаги штаб аъзолари аҳолимизнинг қиш мавсумидан, айниқса, қаттиқ совуқлардан эсон-омон чиқиб олишлари учун нимаики зарур бўлса, барча чораларни кўрмоқдалар. Аммо бир

Туман электр таъминоти корхонаси бошлиғи Алибек ЮСУПОВ туманда электр таъминотини яхшилаш борасида 2022 йилда амалга оширилган ва аномал совуқ вужудга келтирган муаммоларни бартараф этиш учун қилинаётган ишлар ҳақида қуйидагиларни маълум қилди:

Корхонамиз тасарруфида 1321 километр ҳажмда 0,4-6-10 киловаттли электр узатиш линиялари ҳамда 437 дона трансформатор пунктлари мавжуд. Ушбу қурилмалар орқали туман

рени мукамал таъмирлаш белгиланган. Айтиш мумкин, аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш учун белгиланган бу режалар бирмунча зиёди билан адо этилди. "Каттаболтақул", "Ғиштмон", "Истиқлол", "Лойсон", "Лангар", "Йўлдош-обод", "Қийқи" маҳалла фуқаролар йиғинларида кенг қўламда қурилмаларни таъмирлаш ва янгиларини ўрнатиш ишлари амалга оширилди.

Биргина "Обод қишлоқ" дастури доирасида "Лангар" ва "Янгиарик" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида 4 дона янги трансформатор пунктлари ва 299 дона темир бетон таянчлар ўрнатилди. 10,6 километр узунликда янги тармоқ тортилиб, ишга туширилди. Дастурлар доирасида жорий йилнинг шу даврига қадар 9 дона трансформатор пункти ва 40,5 километр узунликда электр узатиш линиялари тортилди.

Корхона тасарруфида бўлган 139,9 километр масофадаги 0,4-6-10 киловаттли электр узатиш тармоқлари ва 46 дона трансформатор пунктлари мукамал таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, амалда 141 километр тармоқ тортилиб, 51 дона трансформатор пунктлари мукамал таъмирдан чиқарилди. Туманимизда кенг қўламда амалга оширилган бу ишлар туфайли айрим жойлардагидек талафотлар қўрилмади. Энергия тақчиллиги туфайли у вақти-вақти билан қатъий жадвал асосида ўчириб туриляпти.

Қарши бўлмасангиз, аҳоли кенг қатламини хабардор қилиш мақсадида булар ҳақида газетангизнинг келгу-си сонидан рақамлар асосида батафсил мақола ёритсак.

Бу йилги тўсатдан келган ва бироз қўзилган совуқ, барчани ҳам бирдай шоштириб қўгани бор гап. Ҳатто марказий шаҳарларда ҳам тақчиллик кузатилмоқда. Шу ўринда бир нарсани айтиб қўйиш зарур. Халқимизнинг тилида "қиличини олиб қиш келяпти" деган гап бежиз айтилмаган экан. Демак, ҳар бир хонадон сарбонидан тартиб ташкилот ва мутасадди раҳбарлари қишга ҳар томонлама пухта тайёргарлик қўришга одатланмоғи зарур экан.

Суҳбатни Бахтиёржон РҶЗИОХУНОВ ёзиб олди.

Сабоқ

...ҚИШ – ЎЗИНГ БИЛАСАН



нарсани унутмаслигимиз керак: истеъмолчиларнинг узлуксиз кўпайиб бораётгани, туманимизда ҳам sanoat ишлаб чиқариши, хизмат кўрсатиш тармоқлари тобора ривожланаётгани электр, газ тақчиллигини вужудга келтирмай қолмаяпти. Бу муаммоларни давлат миқёсида ҳал этиш чоралари кўриляпти ва албатта, аҳоли эҳтиёжини қондиришга эришилади.

аҳолиси ва 1803 та улгуржи истеъмолчиларга электр энергияси етказиб берилади.

Корхонамиз томонидан 2022 йил мобайнида 64,9 километр ҳажмда 0,4-6-10 киловатт кучланишли электр узатиш линиялари ва 17 дона трансформатор пунктлари қуриш, 46 дона трансформатор пунктлари ва 139,9 километр ҳажмда 0,4-6-10 киловатт кучланишли электр узатиш тармоқла-

Азалдан миришкор дехқон ота-боболаримиз ерни асраб-авайлаб, тупроқ сифатини яхшилашга катта эътибор қаратганлар. Жумладан, шўрланган ер майдонларини соғломлаштириш борасида каттагина тажриба тўпланган бўлиб, сўнгги йиллардаги илмий изланишлар натижасида қадим усуллар янада такомиллашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 апрелдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг шўрини ювиш ишларини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзгагроинспекциянинг туман бўлими томонидан 2022-2023 йил ҳосили учун режалари ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада, аввало, бажариладиган

(60-90 сантиметр), кучли шўрланган ерларда ҳатто дамба олиб ҳам ювилади.

Юқоридаги ишларни ташкиллашда тегишли тартиб-қоидаларга қатъий амал қилиш мақсадга мувофиқдир. Энг аввало туман фермер хўжаликлари раҳбарлари ер майдонининг шўрланиш даражасини мелиорация бўлими маълумотларига кўра аниқлаб олиши лозим. Бизнинг мамлакат шароитида

тадбир муддатларини тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Тупроқ шароитига кўра кучли шўрланган майдонлар 2-3 кун ўтказиб, икки-уч маротаба, ўртача шўрланган ерлар икки маротаба ва кучсиз шўрланган ерлар бир маротаба ювилади. Кучли ва ўртача шўрланган, механик таркиби жиҳатидан оғир тупроқли майдонларни ювиш муддати ноябр ва декабр ойларига мўлжалланади. Биз маслаҳатни матбуотга кечикиб олиб чиқдик. Ҳали ҳам шўр ювиш ишлари олиб борилиши мумкин. Аммо март-апрел ойларида мумкин эмас, чунки бу даврда ер ости сувлари юқорида кўтарилиши ҳисобига намлик микдорининг ҳавога буғланиши кучайиб,

ТЕНДЕР ТАНЛОВИДА ҚАТНАШИШ!

НОЯБ Туманда уруғлик пахта, сабзавот, полиз, дуккакли, мойли, озуқа ва бошқа экинлар уруғчилиги билан шуғулланувчи субъектлар раҳбарлари диққатига!

2023 йилнинг 15 январь-5 феврал кунлари туман қишлоқ хўжалиги бўлими биносида 2023 йил ҳосили учун уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқини қўлга киритиш учун субъектлар ўртасида тендер танлови бўлиб ўтади.

Танловда қатнашиш истагини билдирган фермер хўжаликлар раҳбарлари қуйидаги ҳужжатлар тўпламини икки нусхада туман қишлоқ хўжалиги бўлимида тузилган танлов комиссиясига 5 феврал кунига қадар тақдим қилишлари сўралади:

- фермер хўжалиги (субъект) номидан тилхат;
- тупроқ унумдорлиги (бонитет балл) бўйича туман қишлоқ хўжалиги бўлими маълумотномаси;
- сув таъминоти бўйича туман ирригация тизими бошқармаси маълумотномаси;
- ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман бўлими томонидан берилган маълумотнома;
- туман аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази маълумотномаси;
- агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси туман бўлими томонидан талабгорнинг мавжуд қишлоқ хўжалик техникалари бўйича берилган маълумотнома ҳамда техпаспорт нусхаси;
- сўнгги уч йил ичида экилган қишлоқ хўжалиги экинларидан олинган ҳосилдорлик ва шартномавий режанинг бажарилиши бўйича кластер корхонаси томонидан берилган маълумотнома.

Ҳужжатларни қабул қилиш шу йилнинг 5 феврал кунини 18:00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотлар учун: 91/110-49-40 телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин. ТУМАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БЎЛИМИ

Мутахассис маслаҳати

МЎЛ ҲОСИЛ ОЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

ишлар мақсад-моҳиятини чуқур аниқлаш учун туман сув бўлими бошлиқлари, инспекциянинг туман бўлими ходимлари ва фермер хўжаликлар раҳбарлари иштирокида ўқув-семинар ташкил этилди.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, ўсимликнинг яхши ўсиб ривожланиши учун етарли намликни фақат ёғингарчилик орқали тўпланган намлик ҳисобига эмас, қиш ойларида ерларнинг шўрини ювиш ва шўрланмаган ерларда эса етарли нам тўплаш учун чуқур ҳайдаб (35-40 сантиметр), текислаб, агат олиб сугориш усули билан амалга ошириш мумкин. Маълумки, водий вилоятларида деҳқончиликка ажратилган ерларнинг кўп қисми Марказий Фарғонада жойлашган. Ер майдонларининг деярли ҳаммаси турли даражада шўрлангани эса алоҳида ёндашувни талаб этади. Бу эса албатта шўр ювиш ишларини ташкил этиш заруратини туғдиради. Бунда кам шўрланган ерлар кичик поллар орқали ва агат олиб

шудгорлаш қанчалик зарур бўлса, шўр ювиш ҳам шунчалик аҳамиятлидир. Агар шўрланишга мойил бўлган ерлар ўз вақтида ювилмаса, ҳосилнинг 10 фоизи, ўрта шўрланган ерларда 20-30 фоизи бой бериллади.

Маълумот ўрнида айтиш керак, шўр ювиш икки хил бўлади: капитал ва жорий. Капитал шўр ювиш 2,5-3 метрли азрация зонасини тўла тузсизлантириш учун ўта кучли шўрланган қуруқ ва туз ерларни ўзлаштириш даврида амалга оширилади. Жорий шўр ювиш асосан бизнинг тупроқ шароитимизда даврий шўрланишни бартараф этишга мўлжалланган бўлиб, ер қишлоқ хўжалиги экинларидан бўшаган кузги-қишки даврларда ўтказилади. Бунда тупроқ шароитларига қараб полларнинг баландлиги 40-50 сантиметрдан паст бўлмалиги талаб этилади.

Шўр ювиш даврида сувнинг полдан полга ўтиб кетишига йўл қўймалик керак. Шунингдек, ушбу

тупроқнинг қайта шўрланишига сабаб бўлади.

Шўр ювилган ерларда намликни тўлиқ сақлаб қолиш учун ер етилиши билан майдон четлари ва ўқ ариқлар текисланиб, фосфорли ўғитлар йиллик меъёрининг 70 фоизи ерга сепилади. Сўнг 12-14 сантиметр чуқурликда чизеллаб, мола босилади ва бу билан фосфор ўғити тупроққа аралашиб кетади. Ер яхши текисланса, сув меъёри текисланмаган ерларга нисбатан 25-30 фоиз кам сарфланади.

Тупроқ ҳам тирик жон. Унинг ҳолатига, талабига қараб тўйдирсак, муҳофаза эта олсак, у биздан марҳаматини асло дариг тутмайди. Унутмайлик, ҳосилнинг, демакки эл ризқининг мўл бўлиши табарруқ тупроққа муносабатимизга боғлиқдир.

Ў. МАНСУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат Мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси туман бўлими катта инспектори.

Сўраган эдингиз



ҚОР ВА МУЗЛАМА САБАБ АВТОАВАРИЯГА УЧРАГАН ШАХСЛАРГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ КИМ ҚОПЛАЙДИ?

Юртимизга кириб келган аномал совуқ туфайли музлама йўлларда аварияга учраётган фуқаролар ва автотранспорт воситалари, уларга етказилаётган зарарлар сони кескин ортиб кетди. Ҳўш, бундай ҳолда зарарни ким қоплайди, қонунларимизда бу ҳолатлар қандай тартибга солинган?

ЖАВОБ: аввало автоҳалокат келиб чиқиши сабабларини ўрганиш керак. Агарда ҳодиса ҳайдовчининг айби билан, яъни йўл ҳаракати қоидаларини бузиши, шу жумладан, белгиланган тезликдан юқори юриши, носоз автомашинани бошқариши, автомашинани маст ҳолда бошқариши туфайли келиб чиққан бўлса, албатта зарар ҳайдовчи зиммасига юкланади. Агарда кўнгилсиз ҳодиса музлаган, бироқ ўз вақтида тозаланмаган йўллар сабаб юзага келган бўлса, зарарни шу йўлларга қаровчи корхоналар қоплаши керак. Сабаби "Автомобил йўллари тўғрисида"ги қонуннинг 15-моддаси 1-қисмида

"Автомобил йўллари таъмирлаш ва сақлаш мазкур йўллар қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар томонидан таъминланади" дейилган. Демак, йўллар кимнинг ихтиёрида бўлса, айтиш мумкин, айни ўша шахслар бу йўлларни таъмирланишига, сақланишига, шу жумладан, қор ва музламалардан ўз вақтида тозаланишига ҳам масъул экан. Қонуннинг 17-моддасида автомобиль йўлларидан фойдаланувчилар (яъни сизу биз) йўллардаги носозликлар туфайли етказилган зарарни белгиланган тартибда ундириб олиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган. Шунингдек, 25-моддада авто-

мобил йўллари қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша шахс автомобил йўлидан фойдаланувчига автомобил йўлидаги носозлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шартлиги аниқ қилиб кўрсатилган. Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 985-моддасига кўра, ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Иқболжон ЗОКИРОВ,
туман адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи.

ЈАНОН АУВОНИДА

ТУРКМАНИСТОНДА ПАРЛАМЕНТНИНГ ЮҚОРИ ПАЛАТАСИ ТУГАТИЛДИ

Туркменистон Миллий кенгаши (парламент)нинг шанба кунги йиғилишида икки палатали қонун чиқарувчи орган 2021 йилдан буён Туркменистон парламентининг қуйи палатаси бўлган Мажлисга айлантирилди. Юқори палата – Халқ маслаҳати "халқ ҳокимиятининг олий органи" этиб қайта ташкил этилди. Давлат собиқ президенти Гурбангули Бердимухамедов унинг раиси бўлиб қолди.

ИСТАНБУЛДА ЕВРОПАНИНГ ЭНГ ТЕЗЮРАР МЕТРОСИ ОЧИЛДИ

Куни кеча Истанбул аэропортига борадиган янги метро линияси ишга туширилди. Бу Европадаги энг тезюраар метро, деб топилди, поездлар соатига 90-120 километр соат тезликда ҳаракатланади. Бу ҳақда "Анадолу" агентлигига интервью берган Туркия Транспорт вазири Одил Караисмоилўғли маълум қилди. Янги метро линияси 34 километр бўлиб, Кайитхона бекатидан йўлга чиққан поезд 24 дақиқада аэропортга етиб келади.

ҚОЗОҒИСТОНДА "ЦЕФТРИАКСОН" ДАН 18 КИШИ ВАФОТ ЭТГАНИ РОСТМИ?

Ижтимоий тармоқларда Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида 18 киши "Цефтриаксон" антибиотики инъекциясини қабул қилганидан кейин вафот этгани ва ушбу препарат дорихоналардан ёппасига мусодара қилинишни бошлагани ҳақида хабарлар тарқалди. Бу хабарлар қанчалик асосли? Мамлакатимиз Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертисаси ва стандартлаштириш Давлат маркази мутахассиси Сабоҳат Ҳайитова хавотирга ўрин йўқлигини билдирди.

Туман ҳокимлиги девони ва "Истиқбол йўли" газетаси таҳририяти жамоалари туман адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи Иқболжон Зокировга Онаси **Иноятхон ЗОКИРОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

**Расулulloх
(с.а.в.)
хадисларидан**



Отнинг пешонасига яхшилик қиёматгача битиб қўйилгандир. Унинг аҳли ёрдам берилганлардир. Сизлар унинг пешонасини силанглар ва унга барака тилаб, дуо қилинглр. Унинг бўйнига душманнинг талабида ип осаверинглар-у, лекин кўз тегишининг олдини олиб ип османглар.
Жобир (розияллоху анху)дан
Аҳмад ривояти.

Садақаларнинг яхши-си бойлик ортидан қилинганидир. Сен садақани қўл остингдагилардан бошла.
Бухорий ривояти.

Маҳрларнинг яхши-си энгил бўлгандир.
Умар (розияллоху анху)дан Уқба ибн Амр ривояти.

Касбларнинг яхши-си ишчи қўл билан касб қилиниб, ҳалол меҳнат билан бўлгандир.

**“2002 ҳадис”дан.
(Ҳадиси шарифларда обод-ахлоқ зикри).
“Мунир” нашриёти.
Тошкент—2022 йил.**

Saboq Bekati



Оз-оздан ўрганиб
доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб
дарё бўлур.
Алишер НАВОИЙ.

Аҳли дониш дейдиларки...

ДУНЁДАГИ ЭНГ АЖИБ, ЭНГ ОЛИЙ ХИЛҚАТ

Биз бир-биримизга эътибор билан муносабатда бўлишни ўрганишимиз керак, дунёда энг ажиб, энг олий хилқат—инсон эканлигини тушунмоғимиз керак.

Одамларга меҳр—бу шундай қанотдирки, у билан инсон энг юксакка парвоз қилади.

М. ГОРЬКИЙ

Ҳар бир киши бутун бир китобдир, ҳамма гап уни ўқий олишда.

У. ЧЕННИНГ

Инсонни билиш учун уни севиш керак.

Л. ФЕЙЕРБАХ

Одамларни ҳурмат қилиш—ўзини ҳурмат қилишдир.

Ж. ГОЛСУОРСИ

Таълимга эҳтиёж ҳар бир кишида мужассам; халқ нафас олиш учун ҳавони қанчалик ардоқласа ва изласа, у таълимни ҳам шу қадар эъзозлайди ва излайди.

Л. Н. ТОЛСТОЙ

Ёнингдаги кишини ҳис қила бил, унинг қалбига кир, кўзларига боқиб, ички оламини—шодлиги, қайғуси, бахтсизлиги, ғам-аламини кўра бил.

Ўзга одамнинг дахлсизлиги, нозиклиги, ҳамиятини эҳтиёт қил, ая. Одамларга ёмонлик қилма, ранжитма, дилини оғритма, ташвиш ва нотинч-

ликка қўйма.

В. А. СУХОМЛИНСКИЙ

Барча камчиликларидан қатъий назар, одамлар ҳар нарсадан ҳам кўра кўпроқ меҳрга лойиқ.

И. ГЁТЕ

Барча кашфиётлар ичида энг гўзали яхши тарбия олган инсондир.

ЭПИКТЕТ

Таълим ва тарбия—буюк иш: бу билан инсон қисмати ҳал этилади.

Таълим ва камолотнинг тури кўп, уларнинг ҳар бири ўзича муҳим, аммо ахлоқий таълим уларнинг барчасидан юқори турмоғи лозим.

В. Г. БЕЛИНСКИЙ

Таълим ҳақиқий, тўла, равшан ва мустаҳкам бўлмоғи зарур.

Я. КОМЕНСКИЙ

Барча таълимнинг бош вазибаларидан бири шундаки, улар мутлақ фароғат сари ниҳоясиз интила боришдек умумий ишда инсоният учун муттасил равишда янги авлодларни етиштириб беради.

К. Д. УШИНСКИЙ

**“Тафаккур гулшани”дан.
Ғафур Ғуллом номидagi
Адабиёт ва санъат
нашриёти.
Тошкент—1989 йил.**



Қиш манзаралари

Ақл-ақлдан қувват олар

ЧИЛЛА СУВИ- ТИЛЛА СУВИ

Бу мақолда қиш чилласида яъни, 25 декабр билан 5 феврал оралиғидаги даврда ерга яхоб суви бериш тавсия этилган. Бободехқонларнинг кўп йиллик тажрибаларига кўра, бу тадбир мўл ҳосил етиштиришда муҳим аҳамият касб этади. “Чилла қори—ернинг қони”, “Чиллада суғорилган боғ чил ботмон узум берар”.

ТАРБИЯ ТАҚАНИ ТЎҒРИЛАЙДИ

Тақани оддий қўл билан тўғрилаб бўлмайди. Бунинг учун махсус асбоб-ускуна ва тадбир керак бўлади. Мазкур мақол билан: “Чинакам тарбия билан “тузалмас” одамни ҳам, жумладан “қулоқсиз”, ўжар, гож, ўта шўх болани ҳам тузатиб, одобли қилиш мумкин”, дейилмоқчи. Ота-боболар болага таълим ва тарбия беришда сўзнинг, панд-насихатнинг ўзигина қор қилмайдиган бўлса, дўқ-пўписа қилиш, қаттиқ туриш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди, деган фикрни илгари сурганлар.

**“Ҳикматнома”дан.
Тошкент—1990 йил.**

ҲАЁТИ...

Буюк шоир Абулқосим Фирдавсий Хуросон вилоятининг Тус шаҳрида камбағал оилада дунёга келди.

Фирдавсий кенг қамровли ва чуқур билим эгаси бўлиб етишди. Шу боис уни “ҳаким”, “донишманд” деб улуғлаганлар. Шоир ижодининг айни гуллаган даврида Ғазна шаҳрида (ҳозирги Афғонистон ҳудуди)—турк султони Маҳмуд Ғазнавий саройида яшаб, ижод қилди.

Фирдавсий Маҳмуд Ғазнавийга бағишлаб машҳур “Шоҳнома” асарини ёзди. Лекин бу асар Маҳмуд Ғазнавий томонидан етарли қадрланмади.

Ривоят қилишларича, султон Ғазнавий Фирдавсийнинг ёзилажак “Шоҳнома” асарининг ҳар бир байти учун биттадан олтин танга беришни ваъда қилади. 60.000 байтдан иборат асар тайёр бўлгандан кейин эса Ғазнавий

ваъдасидан қайтади. Фирдавсийга Ғазнавий карвон орқали бериб юборган тангаларнинг ҳаммаси кумуш бўлиб чиқади. Бундан қаттиқ ранжиган шоир тангаларнинг бир қисмини карвондагиларга,

софирликда ҳаёт кечиришга мажбур бўлади.

...ҲИКМАТИ

Ғам-қайғу ҳам, хузур-ҳаловат ҳам ақлдандир. Улуғворлик ва бузилиш ҳам ақлдандир.

Дунёнинг буюк файласуфлари

АБУЛҚОСИМ ФИРДАВСИЙ

(934 (тахминан)-1024 йиллар)



бошқа қисмини ҳаммолларга улашади. Тангаларнинг қолган ҳаммасига эса яхна ичимликлар сотиб олади. Унинг бу ҳаракатлари ҳукмдорга қарши норозиликнинг яққол ифодаси эди. Султон Ғазнавий шоирни филнинг оёқлари остига ташлаб, жазолаш ҳақида фармон беради. Фирдавсий туғилган ерини ташлаб, му-

Сен донишманднинг мана бу сўзларини тинглаганмисан? У ҳақиқатсеварларга шундай таълим беради: “Ўйламасдан қадам босиб, хатога йўл қўйган кас пуншаймон бўлади. У донолар наздида аҳмоққа, яқинлари наздида бегонага айланади”.

Оламда энг аввал инсон ақли яралган. Ақл қалб посбонидир. Ақл яна уч кўриқчи: тил, кўз, қулоқнинг устидан ҳам посбонлик қилувчидир. Зеро, эзгулик ва ёвузлик айнан ана шу уч аъзо орқали қалбга кириб боради.

Кўҳна олам удуми шундай: сирлар денгизида сузаверамиз-у, лекин ҳеч қачон қирғоқни кўролмаимиз.

Донишманд деди: “Очкўзлик ва муҳтожлик—мангу бедор икки иблис”.

Парвоз қанчалар юксак бўлса, қулаш шунчалик даҳшатлидир.

Ақлли сўз дур-жавоҳирлару тожтахтдан ҳам қимматлироқдир.

**“Ҳақиқат манзаралари”дан.
“Янги аср авлоди”.
Тошкент—2002 йил.**

Азиз муштарий! Ҳафтаномамизда улуг аждодларимиз ҳаёти ва ҳикматлари чоп этилаётганлиги учун уни ножоиз ерларга ташламанг!

ISTIQBOL YO'LI
МУАССИС:
ҚУШТЕПА ТУМАНИ
ҲОКИМИЯТИ ВА ТАХРИРИЯТ
ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир:
Умидаҳон ХУДОЙБЕРГАНОВА
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Фаргона вилояти бошқармаси томонидан
2007 йил 9 январда 12-012 рақами
билан рўйхатга олинган. Бичими А-3

МАНЗИЛИМИЗ:
151111,
Марғилон шаҳар,
Бобур номи маҳалла,
Соҳибкор кўчаси, 4-уй.
Телефон ва факс:
муҳаррир (55) 801-17-54

ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТИНИНГ
Pentium - IV
КОМПЮТЕРИДА
ТЕРИЛДИ ВА
САҲИФАЛАНДИ.
Дизайнер:
Отабек Ерматов

«Полиграф-Пресс» МЧЖ
босмаҳонасида 3003
нусадада чоп этилди.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Манзил: Марғилон шаҳар,
Туркистон кўчаси,
236 «Б» уй.

Нашр кўрсаткичи:
64875
Буюртма № 40
Топшириш вақти 18.00
Топширилди 18.00

Ушбу сонга масъул:
Ҳадичаҳон КАРИМОВА
ISSN 2010-9253
9 772010 925307